

Муфтий Усмонхон Алимов Москва шаҳрига етиб борди



10:02 / 23.09.2019 2837

22 сентябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган халқаро анжуман ва унинг доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун Москва шаҳрига етиб борди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар беради.

Ўзбекистон делегациясини Москва шаҳрида Россия Федерацияси мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Рушан ҳазрат Аббасов кутиб олди.

Шу йилнинг 23 сентябрь куни Москва шаҳрида Россия Федерацияси мусулмонлари идорасининг қурултойи бўлиб ўтади.

